

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МИРДЖУРАЕВА НАРГИЗА РАВШАНОВНА

АСАБ ТИЗИМИНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЗАРАРЛАНИШИ УЗОҚ
МУДДАТЛИ ОҚИБАТЛАРИДА КОГНИТИВ ФАОЛИЯТНИ
ЎРГАНИШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВЛАР

14.00.13-Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирджураева Наргиза Равшановна

Асаб тизимининг перинатал зарарланиши узоқ муддатли оқибатларида
когнитив фаолиятни ўрганишда қиёсий ёндашувлар..... 3

Мирджураева Наргиза Равшановна

Дифференцированные подходы к изучению когнитивных функций
отдаленных последствий перинатального поражения нервной
системы..... 25

Mirdjuraeva Nargiza Ravshanovna

Differentiated approaches to the study of cognitive functions of the long-term
effects of perinatal damage to the nervous system..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МИРДЖУРАЕВА НАРГИЗА РАВШАНОВНА

АСАБ ТИЗИМИНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЗАРАРЛАНИШИ УЗОҚ
МУДДАТЛИ ОҚИБАТЛАРИДА КОГНИТИВ ФАОЛИЯТНИ
ЎРГАНИШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВЛАР

14.00.13-Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Tib921 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Шамансуров Шаанвар Шамуратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Яқутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: +99871268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, янги туғилган чақалоқларнинг 10-15% да ҳар хил оғирликдаги асаб касалликлари мавжуд бўлиб, булардан энцефалопатия ва минимал мия дисфункцияси тез-тез учрайдиган касалликлар турига киради, бу эса ҳомила ва янги туғилган чақалоқнинг миясига гипоксик-ишемик зарар етказиш натижасида юзага келадиган касалликлардан бири ҳисобланади¹. Перинатал шикастланишлар тузилмасида аҳамияти ва учраш сони бўйича етакчи ўринни марказий асаб тизимини (МАТ) перинатал шикастланиши эгаллайди, у болалардаги барча асаб тизим касалликларининг 60% гача қисмини ташкил этади². Болалардаги марказий асаб тизимининг перинатал шикастланиши асоратларини олидини олиш ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда марказий асаб тизимининг перинатал шикастланишини узоқ оқибатлари бўлган болалардаги когнитив бузилишларни аниқланиш юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада гипоксик генезли марказий асаб тизимини перинатал шикастланиши билан туғилган чақалоқларда ҳавф омилларини баҳолаш, клиник-неврологик ҳамда психологик ривожланишнинг ўзига хосликларини белгилаш, гипоксик-ишемик ёки токсик гипоксия ўтказилгандаги функционал ва органик оқибатлар, хусусан бош мия нейронларини шикастланишида гипоксиянинг ролини аниқлаш, некрозга олиб келувчи асосий патофизиологик ва биокимёвий жараёнлар, нейрон ва глиал хўжайралар апаптози, эндоген ва экзоген ҳамда молекуляр хўжайралар бошқаруви, гипоксиядан сўнг нейронларни тиклашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Марказий асаб тизимини перинатал шикастланишли болаларда диагностик параметрларини баҳолаш, уларни қиёсий ташхислашдан иборат чора-тадбирларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар орасида когнитив касалликларни қёсий ташхислаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуаларини ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш; касалликларни эрта ташхислаш ва патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар болалар орасида турли

¹ World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2018

² Галактинова М.Ю., Осадцова Е.А. Перинатальные поражения нервной системы у детей и их последствия: подходы к терапии. // Журнал: Вопросы практической педиатрии / -2013 -N 2 - С.23-29.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

омиллар таъсирида касаликларни камайтириш, марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда профилактик чора–тадбирларни ишлаб чиқишда, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали марказий асаб тизимининг зарарланиши натижасидаги ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда марказий асаб тизимини перинатал шкастланишини этиологияси, патогенезининг механизмлари, ташхислашнинг янги усуллари, хусусан DRD2 ва DRD4 рецепторлари катехоламин томонидан таъминланганлиги (Маджидова Ё.Н., Саиджоджаева С.Н., 2018), ўқиш ҳамда ахлоқнинг мотивацион воситачилиги учун асос бўладиган «ички мустаҳкамлаш» механизмида иштирок этиши, ҳамда диагностик ва прогностик мақсадлар учун перинатал асфиксия (кислород етишмаслиги) туфайли бош мия шикастланишининг ҳудудий даражасини акс эттирувчи бир қатор биокимёвий параметрлардан, шу жумладан яллиғланган цитокинларни аниқлашнинг прогностик аҳамияти ҳақида маълумотлар мавжуд (Youn Y.A. ва бошқ., 2012). Жумладан ташхислаш, оғирлик даражасини ўрнатиш ҳолати бўйича маълумотлилик, шунингдек қиёсий ёндашувларни танлаб олишга юқори талабларни қўйилиши юзага келган (Труспекова С.Т., Клипицкая Н.К. 2018 й.).

МАТПШни оқибатида келиб чиқган когнитив фаолиятни оғирлилик даражасини аниқлаш мақсадида хорижий давлатларда N. Bayley шкаласи ва ривожланиш Денвер скрининг-тести (DDST) фойдаланиб, бу тестлар ёрдамида болаларнинг когнитив фаолиятини даражасини аниқлаш имконини берган (Frankenburg W.K., J.V. Dodds 2015). Стандартлаштирилган халқаро цитогенетик лаборатория ва Америка тиббий генетика колледжи томонидан тасдиқланган полигеном сканерлаш ёрдамида бош мия хужайрасидан ДНК-Fragile-X микроматрицаси (1000 жуфтгача бўлган юқори аниқликдаги) намунага олиниб, когнитив бузилишнинг келиб чиқиш сабаби, қиёсий ёндашуви аниқланган (Kevin L., Gunderson Frank J., Hongi Ren., Pauline Ng., Lixin Zhou. 2016).

Хозирги даврда МАТПШдаги даволаш-ташхислаш тактикаси замонавий болалар неврологиясида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ривожланиш хавф омиллари, функционал бузилишларда оналик, янги туғилганлик, экстрагенитал касалликлар, органик бузилишларда туғиш даври ва ҳомила ҳолати аниқланган (Халимбетов Г.С.,2018, Джаксыбаева А.,2018). Катта ва кичик неврологик бузилишлар, психомотор ривожланишнинг орқада қолишига олиб келиб, боланинг ҳаёт сифати ёмонлашади, шунингдек, жамият учун сезиларли тиббий ва ижтимоий зарар етказиши кўрсатилган (Шамансуров Ш.Ш., 2010).

Қониқарсиз яқунларнинг сезиларли фоизи, касаллик босқичи ва шикастланиш турини ҳисобга олган ҳолда ташхислашни оптимал усулини танлаб олишни такомиллаштириш, бу соҳада келгусида изланишлар олиб боришга сабаб бўлади. Юқорида келтирилганлар болалар неврологик амалиётига МАТПШ ни қиёсий ташхислашни оптимал ёндошувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруриятини тақазо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг, илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Асаб тизимининг перинатал шикастланиши», «Болалардаги когнитив бузилишлар» (2015-2020) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: мактабга тайёргарлик босқичида когнитив бузилишлари бўлган болаларда, асаб тизимини перинатал шикастланишини узоқ оқибатлари учун қиёсий ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асаб тизимининг перинатал шикастланишини оқибатлари бўлган болаларда анамнестик ва клиник ўзига хосликларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида мослаштирилган ва валидизирланган психологик тестлар ёрдамида ривожланишнинг ҳар хил бузилишлари бўлган болаларда когнитив бузилишлар даражасини аниқлаш;

мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишини бузилиш даражасини қиёсий ташхислаш мақсадида бош миянинг биоэлектрик фаоллигини баҳолаш;

когнитив дисонтогенезнинг турли клиник шакллари бўлган мактабгача ёшдаги болаларда онг бузилишларини ташхислашдаги кўриш билан чақирилган потенциаллар параметрларини самарадорлигини аниқлаш;

когнитив фаолиятнинг бузилишлари бўлган болаларда қиёсий ташхислаш жадвалини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар 1- клиник шифохонасига мурожат қилган 91 нафар бола ва 37 нафар соғлом болалар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-анамнестик кўрсаткичлар, рухий-неврологик статусни баҳолаш, психологик тест ва нейрофизиологик тадқиқотлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: диссертация ишида клиник-неврологик ва анамнестик маълумотлар, нейрофизиологик тадқиқот усуллари, психологик тест ва тадқиқотнинг статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

илк бор асаб тизими перинатал шикастланиши узоқ оқибатлари бўлган болаларда, ҳамда шу ёш аспектидаги соғлом болаларда гнозис ва олий пўстлок функциялари ҳолати қиёсий асосланган;

илк бор когнитив функциялар бузилиши бўлган болаларда олий пўстлок функциялари ҳолатини баҳолашнинг қиёсий-ташхисий мезонлари аниқланган;

ривожланиш когнитив бузилиши (диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми, психологик ривожланишнинг бузилиши ва ақлий заифлик) бўлган болаларда кўриш билан чақирилган потенциаллар (КЧП) ёрдамида, сенсор тизимнинг марказий ва периферик бўлимлари орасида тўғри мутаносиблик аниқланган;

психологик бузилишлар, нутқ ва ақлий ривожланишда ортда қолиши бўлган болаларда мактаб таълимини тўғри шаклини танлаб олиш йўллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

МАТПШнинг юзага келиш ҳавфини прогнозлашда жинс, ёш ва МАТни ўтказган шикастланиш тавсифи ишлаб чиқилган;

асаб тизими перинатал шикастланишини узоқ оқибатлари бўлган болаларда кўриш билан чақирилган потенциаллар ёрдамида олий пўстлок функциялари ҳолатини баҳолаш имконини берган;

асаб тизими перинатал шикастланишини узоқ оқибатлари бўлган болалари учун синдромларнинг қўшимча ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, неврологик, психологик ривожланишни баҳолаш тестлари ва статистика ёрдамида марказий асаб системасининг перинатал зарарланиши бўлган болаларда, қиёсий ёндашувлар тактикани комплекс баҳолашнинг хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, марказий асаб тизимини перинатал шикастланишнинг ташхислаш, даволаш ва реабилитацион тактикасининг ўзига хосликларини аниқлаш, клиник-неврологик ҳамда психологик ривожланишни қиёсий ташхислашни ўтказиш, болалардаги когнитив бузилишларни оғирлик даражаси тўғрисидаги илмий маълумотлар тўлдирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, жорий этилган МАТПШнинг эрта оқибатларини қиёсий-ташхислаш жадвали ва прогнозлаш кетма-кетлиги, ўз вақтида қиёсий ташхислашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳамда МАТПШнинг узоқ оқибатлари бўлган болаларда когнитив бузилишларнинг оғирлик даражасини аниқлаш натижасида эрта ташхислаш, ташхислаш мезонлари ва МАТПШни ривожланишини прогнозлаш кетма-кетлиги ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Асаб тизимининг перинатал зарарланишини узоқ муддатли оқибатларида когнитив фаолиятни ўрганишда қиёсий ёндашувлар бўйича олинган натижалар асосида:

«Мактабгача ёшдаги болаларда когнитив бузилишларни аниқлаш учун мослаштирилган тест» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 августдаги 8н-д/185-сон хулосаси). Мазкур тавсиянома интеллектуал бузилишларнинг асосий турларини ва инқирозга учраган 5-6 ёшли болаларнинг ривожланишдаги ўқиш даражасини аниқлигини оширишга ва тезлаштиришга имкон берган;

болалардаги МАТПШ когнитив бузилишларини ташхислашни оптималлаштириш тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Тошкент шаҳридаги У.К. Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-неврологик касалхонаси ва Тошкент вилояти кўп тармоқли болалар тиббий маркази амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 8н-з/138-сон хулосаси). Олинган натижалар мослаштирилган тест натижаларининг киритилиши 5-6 ёшли болалар ривожланишидан салбий оғиш даражалари ва интеллектуал бузилишлар асосий турларини аниқлигини ошириш ва тезлаштиришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 96 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар

тараққийетининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Болаларда асаб тизими перинатал шикастланишларининг замонавий концепцияси»** деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларнинг кенг умумий маълумоти келтириб ўтилган бўлиб, унда асаб тизимининг перинатал шикастланишини узоқ оқибатларини клиник ўзига хосликлари ва патогенези, хавф омиллари тўғрисидаги замонавий тасаввурлар акс эттирилган. МАТПШнинг узоқ оқибатлари бўлган болалардаги когнитив бузилишларнинг клиник намоён бўлишлари тақдим этилган. Асаб тизимининг перинатал шикастланишини узоқ оқибатларида когнитив бузилишларнинг ташхислашда қўлланиши мумкин бўлган усуллари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Шахсий материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқотнинг асосий усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллар ва усуллари келтириб ўтилган. Мазкур ишнинг асосига 128 нафар беморнинг текширишлари қўйилган бўлиб, улардан 91 нафар бола марказий асаб тизимининг перинатал шикастланишини бошидан ўтказган. Текширилувчилар 2010 йилдан 2013 йилгача бўлган вақт давомида 1- шаҳар клиник касалхонасининг неврология бўлимида ҳамда, ТошВМОИ болалар ёшидаги неврология кафедрасининг ходимлари томонидан кузатишларда бўлганлар ёки бирламчи беморлар бўлиб ҳисобланади.

Текширувчилар ёши 5 ёшдан 7 ёшгача булган болаларни ташкил этди. Болаларнинг ўртача ёши 5-6.8 ёшни ташкил қилди. Текширилган болалар орасида ўғил болалар 74 (57.8%) ва қизлар 54 (42.2%) ни ташкил этди.

Этиопатогенетик омиллар таъсирини намоён бўлиш даражаси, турли клиник кўринишлар ва параклиник текшириш усуллари, руҳий тест ўтказиш билан баҳолаш ҳамда тор соҳа мутахассисларининг хулосалари билан келишган ҳолда, болалар учта асосий ва иккита назорат гуруҳига бўлинди. **1-гуруҳга** диққатни етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми бўлган 29 нафар бола киритилди. Тадқиқот гуруҳидагиларнинг 12 (мазкур гуруҳнинг 41.4%) нафарини ўғил болалар ва 17 (мазкур гуруҳнинг 58.6%) нафарини қиз болалар ташкил этди. Клиник ва параклиник тадқиқот усулларига мос ҳолда қуйидаги гуруҳлар шакллантирилди: **2-гуруҳ**, ўз ичига психологик ривожланишида бузилишлар бўлган 32 нафар беморни олди. Текширилганлар гуруҳида 22 (битта гуруҳдан 68.8%) нафари ўғил болалар ва 10 (31.2%) нафарини қиз болалар ташкил этди. **3-гуруҳ**, енгил даражадаги ақлий ривожланишни ортда қолиш ташхиси бўлган 30 нафар бола киритилган бўлиб, улардан 20 (66.7%) нафарини ўғил болалар ва 10 (33.3%) қиз болалар ташкил этди. Мазкур ташхис яшаш жойи бўйича шифокор психиатр томонидан тасдиқланган. **4 – назорат гуруҳини** 37 нафар соғлом болалар ташкил этиб,

улардан 20 (54.1%) нафари ўғил болалар 17 (45.9%) нафари қиз болалардир. ($p < 0.01$) (1-расм).



1-расм. Болаларнинг жинс ва ёшига нисбатан тақсимланиши

Беморлар орасида қиз болаларга нисбатан – 54 (42.2%), ўғил болаларни – 74 (57.5%) статистик жиҳатдан устунлиги қайд этилди ($p < 0.01$).

Кўрсатмалар бўйича касалликни рад этиш мезонларини аниқлаш учун мутахассис-шифокорлар (педиатр, психиатр, офтальмолог, логопед) маслаҳатлари ўтказилди, шунингдек қўшимча текширишлар буюрилди.

Мазкур гуруҳга болаларни киритиш мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:

- боланинг ёши 5 дан 7 ёшгача бўлиши;
 - энгил даражадаги аклий ривожланишни ортда қолиши;
 - рухий ривожланишида тутилишлар бўлган болалар;
 - нутқ ривожланишида тутилишлар бўлган болалар;
 - қўпол органик симптоматика мавжуд бўлмаган болалар;
- Қуйидаги болалар тадқиқот гуруҳига киритилмади:
- 5 ёшгача бўлган болалар;
 - яққол намоён бўлган аклий жиҳатдан ортда қолиш;
 - оғир органик шикастланиши бўлган болалар;
 - хулқида сезиларли ўзгаришлари бўлган, руҳияти бузилган болалар;
 - кўриш ва эшитишида яққол намоён бўлган бузилишлари бўлган болалар;
 - тутқаноғи ва уни тез тез юзага келадиган ҳуружлари бўлган болалар;
 - педагогик жиҳатдан ортда қолган болалар;
 - болалар аутизми.

Текширишлар амбулатор ва стационарга ташриф буюриш шароитида ўтказилди. Барча текширилганларда стандарт руҳий неврологик текширишлар амалга оширилди.

Беморларни клиник текшириш кейинчалик ишлаб чиқилган индивидуал сўровномани тўлдириш билан, касаллик анамнезини тўлиқ ўрганишни ўз ичига олди.

«Перинатал» анамнезга айниқса катта эътибор қаратилди: онада ҳомиладорлик қандай кечган, у ёки бу турдаги патологияни ривожланиши учун ҳавф омилларининг мавжудлиги. Туғруқнинг кечиши, уни физиологик ёки кесерево йули билан кесиш ёки акушерликнинг бошқа усуларини қўлланилганлиги ўрганилди. Бундан ташқари, қуйидаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этди: туғилган вақтидаги тана оғирлиги, руҳий-эмоционал ва жисмоний ривожланиши, ота-оналарининг шикоятлари, мазкур касалликни клиник кўринишларни ўзгариши, болада руҳий-педагогик коррекцияларни ўтказилганлиги инобатга олинди.

Барча текширилганларда: беморнинг умумий ҳолатини ҳисобга олиш, ҳаракат, координация ва когнитив соҳадаги ҳолатларни стандарт неврологик текширишлари ўтказилди. Шунингдек бош мия иннервациясининг ҳолати ва рефлексор соҳасидаги текширишлар олиб борилди.

Бош миянинг функционал фаоллигини ўрганиш учун бирламчи текширишларда функционал синамалар ёки уларсиз кўшимча юкламаларни стандарт электроэнцефалографик текширишлари (ЭЭГ) ўтказилди. Ушбу усул «Нейрон-Спектр 4ВПМ» компьютер электроэнцефалографида амалга оширилиб, у 1.2 (Нейрософт, Иваново шаҳри) дастур таъминотининг 21- канал вариантыга эгадир.

Кўриш билан чақирилган потенциаллар усули (КЧП) – турли сенсор тизимларнинг ҳам марказий, ҳам периферик бўлимлари ҳолати тўғрисидаги объектив баҳони олишга имкон беради. У турли эквивалентдаги стимулларга жавоб сифатида электр фаолликнинг ўта кучсиз ўзгаришларини ажратади. Стимулловчи зоналарга эшитиш, кўриш ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. КЧП усули МАТ функцияларини апробацияловчи объектив усул бўлиб ҳисобланади, у қарши кўрсатмаларга эга бўлмайди ва сенсор функциялар ҳолатини баҳолаш бўйича ўта муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Халқаро ва Америка клиник нейрофизиологлар ассоциацияси томонидан мазкур усул клиникада қўлланилиши учун ЧП ни текширишнинг тавсия этилган усуллари қаторига киритилган.

Барча текширилувчиларда балл тизими бўйича баҳоланадиган психологик тест ўтказилди. Психологик соҳадаги ташхислаш мақсадида аклий, эмоционал соҳа, болалар-ота-оналар ва шахслар аро муносабатлар каби психоташхислаш бўйича жамланмалар усулидан ташкил топган бўлимлардан фойдаланилди. «Билиш жараёнларини ташхислаш» каби усуллар бу- Р.И. Суннатов, Е.Ю. Агзамова, С.П. Глухова муаллифлар томонидан валидизирланган қабул қилиш, диққат, хотира ва фикрлашни баҳолашдир. Мазкур ўқув қўлланмаси мактабгача ва мактаб муассасалари

рухшуносларининг иш жараёнида Ўзбекистон Республикаси болалари учун мослаштирилгандир.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel 2016 дастурини қўллаган холда олиб борилди. Узлуксиз миқдорий маълумотларни меъёрий тақсимланишидаги статистик баён этилиши ўртача белгилар (M), стандарт оғиш ($\pm SD$) ва ўртача белгиларнинг стандарт хатоси (m), шунингдек меъёрдан фарқ қилувчи тақсимланишда медиана (Me), пастки ($Q_1-25\%$) ва юқориги ($Q_3-75\%$) кватилларнинг белгиларикўринишида тақдим этилган. Миқдорий маълумотлар жамланмасини меъёрий тақсимланишидаги ўртача катталикларни қиёслашда Стъудентнинг t - мезони қуйидаги формула билан ҳисобланди:

$$t = \frac{M_1 - M_2}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}};$$

Кўрсаткичлар фарқи белгилар даражаси $p < 0,05$ га тенг бўлганда статистик аҳамиятли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Ривожланишида бузилишлари бўлган болаларни клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида текширишдан ўтказилган 128 нафар боладан олинган маълумотлар келтирилган.

Когнитив бузилишли болаларда анамнестик маълумотларни таҳлил қилиб аниқландики, ДЕГСли биринчи гуруҳ болаларининг ота-оналари болалардаги диққатни етишмаслиги (93,1%) ва тоқатсизликка (89,7%) шикоят қилганлар. Психологик ривожланишида бузилишлари бўлган иккинчи гуруҳ болаларининг ота-оналари болаларини ёмон ўқиши (83,3%), берилган маълумотларни эсда олиб қолмаслиги (80,0%), мурожат этилган нутқни ёмон тушуниши (84,4%) га шикоят қилдилар. Ақлий ривожланишни енгил даражада ортда қолиши бўлган учинчи гуруҳ болаларининг ота-оналарининг энг устун шикоятлари бўлиб, худди иккинчи гуруҳ болаларидаги шикоятлари каби бўлди, фақат улар янада якқолроқ, юқори даражада кузатилди, улар: маълумотларни умуман эсда олиб қолмаслик (84,4%), мурожат этилган нутқни тушунмаслик (93,3%) ва ёмон ўқишни (87,5%) ташкил этди.

Биринчи гуруҳ болаларини перинатал маълумотларини ўрганишда бизлар томонидан шу нарса аниқландики, ҳомиладорликни кечиши ва туғруқ кўрсаткичлари тузилмасида ҳомиладорликни муддатидан олдин тўхтатилиш ҳавфи (48,3%) ва онанинг соматик касаллиги устунликка эга бўлган (1-жадвалга қаранг). 6 нафар оналарда (20,7%), ҳомиладорликнинг 1 триместрида узоқ давом этган токсикоз кузатилган. Шунингдек 6 нафар аёлда (20,7%) ҳомиладорлик вақтида стресс ҳолатлари қайд этилди.

Мазкур гуруҳ болаларининг оналарнинг (82,2%) туғруқлар физиологик кечган, (86,2%) болаларнинг туғилиши боши билан юзага келган. Туғруқ фаолиятининг патологияси каби омиллар фақат 44,8% ҳолатларда қайд этилган ҳолос.

Иккинчи гуруҳ болаларининг перинатал анамнезини таҳлили шуни кўрсатдики, (65,6%) оналар ҳомиладорликнинг биринчи ярмида утқир

респиратор вирусли инфекция (ЎРВИ), (68,8%) ҳомиладорликни муддатдан олдин тўхтатиш ҳавфини бошидан ўтказган, (22,0%) аёллар эса ҳомиладорликни иккинчи ярмида камқонликдан азият чекканлар. Бемор болаларнинг (45%) оналарида туғруқ кесарча кесиш йули билан амалга оширилган. Туғруқ патологиясининг таҳлилида шиддатли туғруқлар (12,5%) ва чўзилган туғруқ жараёнларини (9,4%) болалар бошидан ўтказган бўлса, (40,6%) чақалоқларда хомила олди сувини муддатдан олдин кетиши, йўлдошни олдин кўчиши ва артериал босимни кўтарилиши кузатилади.

1-жадвал

Текширилган гуруҳ болалари ўртасида анте- ва перинатал ҳавф омилларининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ДЕГС (n=29)	ПРБ (n=32)	А3 (n=30)	Соғлом (n=37)
Қариндошлар ўртасидаги никоҳ	2 (6.9%)	3 (9.4%)	4 (13.3%)	3 (17.6%)
Ҳомиладорликни муддатидан олдин тўхтатиш ҳавфи	14 (48.3%)**	22 (68.8%)**	22 (73.3%)**	4 (23.5%)**
Токсикоз	6 (20.7%)**	18 (56.2%)	19 (63.3%)	6 (35.3%)
Онани соматик касаллиги	9 (31.0%)**	21 (65.6%)	23 (76.7%)	2 (11.8%)
Стресс	6 (20.7%)	7 (21.9%)	12 (40.0%)	2 (11.7%)
Туғруқ				
Физиологик	24 (82.8%)	24 (75.0%)	5 (16.7%)	37 (100%)
Кесарево йули билан кесиш	5 (17.2%)**	8 (25.0%)**	25 (83.3%)**	0 (0%)**
Ҳомилани туғилиш усули				
Боши билан	25 (86.2%)	24 (75.0%)	15 (50.0%)	33 (89.2%)
Тоз билан	2 (6.9%)	6 (18.8%)	11 (36.7%)	1 (5.9%)
Юз соҳаси билан	1 (3.4%)	1 (3.1%)	3 (10.0%)	1 (5.9%)
Елкаси блан	1 (3.4%)	1 (3.1%)	1 (3.3%)	2 (11.8%)
Туғруқ ҳолатининг патологияси	13 (44.8%)**	14 (43.8%)**	17 (33.3%)**	3 (17.6%)**
Шиддатли туғруқлар	5 (17.2%)	4 (12.5%)	7 (23.3%)	3 (17.6%)
Чўзилган туғруқлар	5 (17.2%)	3 (9.4%)	8 (26.7%)	1 (5.9%)
Ҳомила олди суюқлигини муддатидан олдин кетиши	3 (10.3%)	3 (9.4%)	2 (6.7%)	2 (11.8%)
Йўлдошни кўчиши	1 (3.4%)	3 (9.4%)	5 (16.7%)	0 (0%)

Доялик воситаларини қўллаш	2 (6.9%)*	3 (9.4%)*	7 (23.3%)*	0 (0%)*
АБни ортиши	3 (10.3%)	7 (21.9%)	7 (23.3%)	1 (5.9%)

Изоҳ: * - P белгиси < 0.05 ни ташкил этади

** - P белгиси < 0.01 ни ташкил этади

Қўпол ақлий силжишларни мавжудлиги, кейинги 3 гуруҳдаги болаларни бизлар томонимиздан алоҳида патология ҳолати сифатида баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу гуруҳ болалари анамнезини ўрганишда ўрнатилдики, аксарият ҳолатларда оналардаги ҳомиладорлик ҳомиладорликни муддатидан олдин тўхтатиш фонида (73,3%), узоқ давом этган токсикоз (63,3%), онадаги сурункали касалликларни хуружи (76,7%) ва стресс ҳолатлар 12 (40,0%) билан кечди. Туғруқни кечиши қатор ўзига хосликларга эга бўлди: оналарда (83,3%) туғруқлар кесарча кесиш усули билан амалга оширилди. Чақалоқларнинг (50,0%) туғилиши тоз билан юзага келди. 17 (33,3%) аёлларда туғруқ фаолиятининг патологияси доялик воситаларини қўллаш ёрдамида ўтказилди. Чақалоқларнинг 7 (23,3%) нафарида шиддатли ва 8 (26,7) нафарида чўзилга туғруқлар юзага келди. Йўлдошни муддатдан олдин кўчиши 5 (16,7%) беморларда қайд этилди.

Перинатал ҳавф омилларининг таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳ болаларининг туғилгандаги ўртача тана оғирлиги 3300 грамм±308 ни ташкил этган бўлса, иккинчи гуруҳ болалари 2920± 203 грамм билан туғилган, учинчи гуруҳ болаларининг ўртача тана оғирлиги 2700± 338 грамм чегарасида бўлди (2 жадвалга қаранг).

2-жадвал

Перинатал ҳавф омиллари

Кўрсаткичлари	ДЕГС (n=29)	ПРБ (n=32)	А3 (n=30)	Соғлом (n=37)
Ўртача ВПР	3300 ± 308 **	2920 ± 203 **	2700 ± 338**	3250±28**
Киндикни буйин атрофида ўралиб қолиши	8 (27.6%)	20 (65.6%)	21 (66.7%)	0 (0%)
Қичқириқ				
Мавжуд эмас	3 (10.3%)	3 (9.4%)	2 (6.7%)	0 (0%)
Кучсиз	6 (20.7%)	13 (40.6%)	16 (53.3%)	2 (5.4%)
Баланд	20 (69.0%) **	16 (50.0%) **	12 (40.0%)**	35 (94.6%)**
Туғруқ жароҳатлари				
Мавжуд эмас	24 (82.8%) **	31 (96.9%) **	25 (83.3%)**	36 (98%) **
Плексит	1 (3.4%)	0 (0%)	2 (6.7%)	1 (2.7%)
Кефалогематома	3 (10.3%)	1 (3.1%)	3 (10.0%)	0 (0%)
Умумий ҳолат				
Қониқарли	24 (82.8%) **	31 (96,9%) **	26 (86.7%)**	37(100%)**

Ўртача	4 (13.8%)	1 (3.1%)	4 (13.3%)	0 (0%)
Оғир	1 (3.4%)	0 (0%)	0 (0%)	0 (0%)

Изоҳ: * - P белгиси > 0.05 ни ташкил этади; ** - P белгиси < 0.01ни ташкил этади

Киндикни бўйин атрофига ўралиб қолиши 1 гуруҳдаги 8 нафар (27,6%) болада кузатилган бўлса, худди шу кўрсаткич 2-гуруҳ болаларида 20 (65,6%)ни ва 3-гуруҳда 21 (66,7%) билан устунликка эга бўлди. Биринчи гуруҳ болаларидаги туғруқдан кейинги қичқириқ бола туғилиши биланок 69,0% ҳолатда кузатилди, иккинчи гуруҳ болаларининг туғруқдан кейинги қичқириғи 13 (40,6%) нафар болада кузатилиб, у паст овозда қайд этилди, ушбу кўрсаткич учинчи гуруҳ болаларининг 16 (53,3%) да қайд этилди. Туғруқнинг кейинги туғруқ жараёнидаги жароҳатлар кўрсаткичи 31 (96,9%) нафар болада қайд этилмади, 2- ва 3-гуруҳлардаги мазкур кўрсаткич бир бирига, мос ҳолда 31 (96,9%) ва 25 (83,3%) ни ташкил этди. Биринчи гуруҳдаги 24 нафар (82,4%) боланинг умумий ҳолати қониқарли деб баҳоланди, 2-гуруҳнинг 31 (96,9%) ва 3-гуруҳнинг 26 (86,7%) болалари ҳам шунингдек қониқарли ҳолатда туғилдилар.

Бизлар томонимиздан текширилган гуруҳ болалари неврологик статусининг таҳлили ўтказилди. ДЕГС ли биринчи гуруҳ болаларида қўпол неврологик силжишлар аниқланмади. Бош мия жуфт нервлари (БЖН) томонидан қўпол бўлмаган патологиялар 6 (20,0%) болада қайд этилган бўлса, ҳаракат соҳасидаги ўзгаришлар 9 нафар (30,3%) болада кузатилди, координация соҳасидаги бузилишлар 4 (13,8%) болада кузатилди, вегетатив патологиялар эса 6 (20,6%) болада учради (3,4-жадвалларга қаранг). ПРБ ли иккинчи гуруҳ болалари неврологик статусида қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди: БЖН томонидан патологиялар 11 (34,3%) нафар болаларда: ғилайлик, птоз, чайнаш мушқларини асимметрияси ва тилнинг девиацияси кўринишида қайд этилди. Ҳаракат соҳасидаги бузилишлар 10 (31,2%) нафар болада аниқланди. Координация ва вегетатив соҳадаги ўзгаришлар 6 (18,7%) ва 8 (25,0%) нафар текширилган болаларда аниқланди. Учинчи гуруҳ болаларидаги неврологик статусни ўзгаришлари биринчи ва иккинч синфга нисбатан кўпроқ учради. БЖН патологиялари 13 (43,3%), ҳаракатни бузилиши 12 (40,0%), координация соҳаси 10 (33,3%) ва вегетатив соҳа 11 (36,6%) ҳолатларда қайд этилди.

3-жадвал

Неврологик статус маълумотларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (n=29)	2-гуруҳ (n=32)	3-гуруҳ (n=30)	Соғлом (n=37)
БЖН	6 (20.07%)*	11 (34.3%)*	13(43.3%)*	3 (8.3%)*
Ҳаракат соҳаси	9 (30,3%)*	10 (31.2%)*	12 (40.0%)*	2 (5.4%)*
Координация соҳаси	4 (13,8%)*	6 (18.7%)*	10 (33.3%)*	2 (5.4%)*
Вегетатив соҳа	6 (20,6%)*	8 (25.0%)*	11 (36.6%)*	3 (8.3%)*

Изоҳ: * - P қийматлар неврологик ҳолатни баҳолаш учун (<0.001)

Маълумки ДЕГС учун бузилишларнинг 7 ёшгача юзага келиши ва етакчи клиник белгиларнинг шундан уқлиги хосдир, уларга: диққатни етишмаслиги-майда қисмларни диққат билан кузатиш қобилиятини йўқлиги, вазифалар ёки ўйинларда диққатни бир ерга жамлайолмаслик, йўриқномаларга риоя этиш ёки мактабда берилган топшириқларни яқунлашга қобилиятни етишмаслиги, тез тез ташқи стимулларга чалғиш ва бошқалар киради. Гиперфаоллик – тана қисмлари билан тартибсиз ҳаракат қилиш, бир жойда ўтираолмаслик, лозим бўлмаган жойларда қаергадир чирмашиб чиқиш, югириш, ўйинларда мос бўлмаган шовқин солиш ва бошқалар. Импульсивлик – савол тугалланмасдан туриб жавоб бериш, навбатни кутиб туролмаслик, ижтимоий чеграланишларга мос бўлмаган реакциялар билан кўп гапириш, бировларнинг сўзини тез-тез бўлиш ва ўйин ёки суҳбатларга суқилиб кириш. Шунингдек бу болаларда уйқуни бузилиши инсомния 14 (48.3%) ва парасомния 5 (17.2%) қайд этилади (5 - жадвал), шунингдек бу болаларнинг 3 (10,3%) анамнезида фибрил-тутқаноқ ҳужуралари қайд этилади. Биринчи гуруҳдаги 9 (31,0%) нафар болада нутқнинг ривожланиши ёшига мос келди, дислалия билан 8 (27,6%) нафар бола азият чекди, дудуқлик 4 (13,8%) нафар болада қайд этилди. Рухий-эмоционал соҳадаги бузилишлар юқорида келтириб ўтилган белгилардан фарқли равишда ўзига хос бўлган статистик кўрсаткичларга эга бўлди. Уларга апатия 6 (20.7%), лабиллик 7 (24.1%), йиғлоқлик 10 (34.5%) ҳолатлари кириб, жами 6 (20,7%) болаларда рухий-эмоционал ўзгаришлар кузатилмади.

2-гуруҳдаги болалар маълумотларини таҳлил қилиб, шунини таъкидлаш лозимки, ушбу гуруҳдаги 6 (18,7%) нафар болада уйқу бузилишларсиз бўлди, инсомния билан фақат 16 (50.2%) нафар бола азият чекди. Фебрил тутқаноқ ҳужуралари 4 (12,5%) нафар болада кузатилди. Нутқ бузилишлари яъни дислалия 10 (31,2%) нафар болада, мотор алалия 5 (15,6%) нафар болада кузатилди. Сенсор алалия 3 (9.4%) нафар болада аниқланди. Рухий-эмоционал соҳадаги бузилишлар: апатия 8 (26.6%) нафар болада, лабиллик 13 (40.6%) нафар болада ва йиғлоқлик 6 (20.9%) нафар болада қайд этилди.

3-гуруҳ болаларининг рухий-эмоционал статусида янада яққол намоён бўлган симптоматика қайд этилди. Парасомния билан 14 (46.6%) нафар бола азият чекса, фебрил тутқаноқ ҳужуралари 3 (10.0%) нафар болада қайд этилди. Мотор алалия 8 (26.6%) нафар болада мавжуд бўлди, сенсор эса 7 (23.3%) нафар болада кузатилди. Рухий-эмоционал соҳадаги бузилишлар апатия кўринишида 8 (26.7%) нафар болада, лабиллик 11 (33.9%) нафар болада ва йиғлоқлик 8 (26.7%) нафар болада қайд этилди.

Биринчи гуруҳ болаларида ўтказилган рухий тест маълумотларини таҳлил қилиб (4 жадвал), қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: *идрок* этиш натижаларини баҳолаш – атрофни ўраб турган ҳодиса ва предметларни инсонларнинг сезги органларига бевосита таъсир этиши орқали акс эттирилиши, 6.97 ± 1.38 баллни ташкил этди (бола барча ҳайвонларни сўз орқали айтиб туриш ёрдами орқали номма ном санаб берди). Мазкур натижа ривожланишининг (N=10) етарли даражада эканлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Қисқа муддатли кўриш *хотираларининг* натижалари – заруратга кўра олинган таассуротлар ва маълумотларни хотирада узоқ вақт сақлаб қолиш ва акс эттириш 7.21 ± 1.21 баллни ташкил этди. Бунда бола суратда тасвирланганларни эслаб қолиши ва сўзлаб бериши лозим. Мазкур гуруҳ болалари ўртача 6-7 предметни эслаб қолдилар ва сўзлаб бердилар. 6-7 ва ундан ортиқ бўлган предметларни эслаб қолиш ва тасвирлаб бериш урта меъёр бўлиб ҳисобланади. Ушбу гуруҳ болаларида - *диққатни* баҳолаш усулларини ўтказишда натижаларни баҳолаш ва қайта ишлаш, бола томонидан вазифани бажаришга сарфланган вақт давомида расмдаги кўриб чиқилган предметлар миқдори ёрдамида аниқланади. Олинган натижалар формулага қўйилди, бу формула ёрдамида бир вақтнинг ўзида икки хусусият: унумдорлик ва барқарорлик бўйича боладаги ривожланиш даражасининг умумий кўрсаткичлари аниқланади:

$$S = \frac{(0,5 N - 2,8n)}{t}$$

Бу ерда S – текширилган боладаги диққатнинг барқарорлиги ва унумдорлик кўрсаткичлари;

N – иш вақти давомидаги, бола томонидан кўриб чиқилган расмда акс эттирилган предметлар сони;

t – иш вақти;

n – иш вақти давомида йўл қўйилган хатолар сони.

Агарда боладаги S кўрсаткичи 1,25 дан юқори бўлса, бунда унинг диққатини барқарорлиги ва унумдорлиги 10 балл каби баҳоланади. Мазкур тест биринчи гуруҳ болаларининг қуйидаги натижаларини кўрсатди: бу кўрсаткичлар диққатнинг унумдорлиги ва барқарорлигини ўртача даражасидан гувоҳлик берди:

$$1 \text{ гуруҳ } 6.62 \pm 1.47 \quad S = \frac{(100 \times 0,5 - 2,8 \times 16)}{7} = 0,74$$

Тафаккурга оид тест ўтказилганда ДЕГС ли болалар ўртача натижа 7,1 баллни олдилар. Ушбу кўрсаткич фикрлашнинг ўртача даражаси сифатида баҳоланди.

Руҳий ривожланишида бузилишлари бўлган иккинчи гуруҳ болалари қуйидаги тартибда баҳоланди. *Идрокни* баҳолаш бўйича тест 4.66 ± 1.73 баллни ташкил этди, қачонки ДЕГС ли болалар юқори натижаларни олган эдилар (бола барча ҳайвонларни топиб уларни номини айтишида нафақат психолог томонидан берилган сўз ёрдамида айтиб туриши, балки кўрсатишидан ҳам фойдаланди) Натижа: идрокни ривожланишини ўртача даражаси. Қисқа муддатли *хотира* 5.47 ± 1.59 балл билан баҳоланди, меъёр 10 балл деб ҳисобланади. Мазкур гуруҳдаги болаларда диққатни текширишга ўтказилган тест 4.81 ± 1.33 баллга эга бўлди, бу (пастга яқин) ўртача кўрсаткичдир.

$$2 \text{ гуруҳ } 4.81 \pm 1.33 \quad S = \frac{(100 \times 0,5 - 2,8 \times 14)}{20} = 0,54$$

Соғломлар гуруҳидаги болалар 10 баллни тўпладилар.

Турли ёшдаги болаларда умумлаштириш жараёнларини шакллантириш сифатида тушунишга ёрдам берадиган фикрлашга оид тестни ўтказишда ўртача (пастга яқин) 3.00 ± 1.67 натижага эга бўлди.

Ақлий ривожланишни енгил ортда қолиши кузатилган учинчи гуруҳ болалари паст натижаларни кўрсатдилар. Идрокни текширишга оид тест 1.50 ± 0.900 баллни, хотирани аниқлаш 2.20 ± 1.24 , диққатни текшириш 2.33 ± 1.24 га эга бўлди.

$$3 \text{ гуруҳ } 2.33 \pm 1.24 \quad S = \frac{(100 \times 0,5 - 2,8 \times 16)}{25} = 0,2$$

Тафаккурни баҳолаш 1.20 ± 0.80 баллни кўрсатди. Руҳий ҳолатни баҳолаш бўйича ўтказилган тестда ушбу гуруҳ болалари жами бўлиб 7.23 баллга (<0.001) эга бўлдилар, бу эса когнитив жараёнларнинг паст даражасидан гувоҳлик беради.

